

Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

27 ноябрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 241 (1493)


ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЛАТВИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

26 ноябрь куни Латвия Сазими Раиси Андрис Чепаниснинг таклифига мувофиқ Олий Мажлис Раиси Э. Халилов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси парламенти делегацияси Ригага жўнаб кетди.

Икки кунлик ташриф давомида томонлар парламентларо алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар.

Делегациянинг кузатиш чоғида Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Андрис Вилпане ҳозир бўлди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 ноябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалосни қабул қилди.

Президент Ислам Каримов қадим тарихга эга Грецияни Ўзбекистон аҳолиси яхши билишини, грек муҳожирлари энг оғир йилларда юртимиздан бошпана топиб, халқимиз билан дўстлик, ҳамжи-

ҳатликда яшаб келаётгани хусусида сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари икки давлат алоқалари ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон Греция билан ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, самарали

ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш тарафлори эканини таъкидлади. Теодорос Пангалос ҳам икки давлат ҳамкорлиги ёрқин истиқболга эгалигини, ташрифт чоғида Тошкентда имзоланган ҳужжатлар

ўзаро алоқалар ривожига замин яратишини қайд этди.

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов қатнашди.

Қабул Греция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Кириакос Родусакис ҳозир бўлди.

(ЎЗА).
СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ
олган сурат.

ТАШҚИ ИШЛАР VAZIRLIGIDA UCHRASHUV

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 26 ноябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалос раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ташқи сиёсат мақамалари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар бўлди.

Музокаралар низоҳида Ўзбекистон ва Греция пойтахтида консуллик ваколатхоналарини очиш ҳақидаги шартнома ҳамда икки мамлакат ўртасида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Учрашувда Грециянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Кириакос Родусакис ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

Абдулла Орипов

АЙРИММАС

«Ё ҳақ!» деб айла олса манзилга қарован,
Йўл бошлаган чўнг норидан айримас.
Ошиқлар кўнглидан кечар минг армон,
Бир армони — дилдоридан айримас.

Неларни кўрмайги инсоннинг боши,
Бежиз айтмаганлар: «У сойнинг тоши».
Донолар, бир жойга етса ҳам ёши,
Пири берган туморидан айримас.

Қачон донг чиқармиш, ахир, ёлғиз от,
Фарзанд оқиб бўлса — падарга қанот.
Йилтава дуч келса Ҳайт ё Малот,
Дўстларининг дийдоридан айримас.

Демиллар: «Сўқир ҳам кўргай ёрқин туй».
Озод даврон сурмоқ ҳар нарсадан хуш.
Қафасга тушса гар учиб юрган қуш,
Эркинликнинг хуморидан айримас.

Хор бўлмас, аждодин кимки ёд этган,
Утган азизларнинг руҳин шод этган.
Авлодлар тақдирин уйлаб дод этган
Ота-бобо мазоридан айримас.

Ҳар ким билганича чертгай созини,
Моли тоза одам қилгай нозини.
Мард киши кўп бедаи ҳатто озини,
Ризқин топан бозоридан айримас.

Боғу чаманзорини кўндир оламини,
Дилда орзуни ҳам мўлаҳир одамнинг.
Агар дин-имони бўлса боламининг,
Турон отаиғ дийдоридан айримас.

Пешвоси бор юртининг бутундир бахти,
Асло ҳазон бўлмас эккан дархати.
Ҳар кимга буворсин ўз тоғу тахти,
Номусли за шунқоридан айримас.

Бир ёнда туркманни, қирғиз, қозғим,
Ороғга термугани қоракалпоғим,
Ўзбегим, тоғимин — кўзим-қарғим
Жам бўлганда қаторидан айримас.

Айрилса айрилгай тоғлар қоридан,
Айрилгай беҳиммат бой ҳам боридан,
Вафосиз айрилгай дусту ёридан,
Шоир халқ ашворидан айримас.

Қўлга қалам олдим кўтмуғ бир қуни,
Маҳтумқули шеърин бўлиб мафтунни.
Агар қуйлар бўлса Абдулло уни,
Бир умрга шўх торидан айримас.

ДЕМОКРАТИЯ БИР КУНЛИК ИШ ЭМАС

Аввал хабар қилингандек, 22--23 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Интер-континентал» меҳмонхонасида Акселс -- таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти хомийлигида Марказий Осиё оммавий ахборот воситалари фаолиятга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда АҚШ ҳукумати томонидан таъсис этилган академик ва илмий текшириш дастурлари бўйича АҚШ доирлиқларида ўқиб, малака ошириб қайтган ёш мутахассислар, Гарвард, Вашингтон, Жоржтаун, Колумбия, Иллиной университетларининг таниқли олимлари, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Икки кун давомида конференция қатнашчилари «Ахборотнинг эркин оқими ва ундан омманинг хабардорлиги», «Марказий Осиё оммавий ахборот воситалари ва давлат тузилиши», «Марказий Осиёда миллийлик», «Қишлоқ аҳолиси ва уларнинг матбуотта муносабати», «Матбуот ва тафаккур», «Ўзбекистон матбуотининг ютуқ ва камчиликлари», «Матбуот таъсирида бизнес ва молия бозорининг шаклланиши» каби мавзуларни муҳокама этдилар.

Маърузачи ва мутахассислар ўз нутқларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш, матбуот таъсирчанлигини ошириш, журналистларга ўз нуқтан назарларини эркин баён этиш учун шарт-шароитлар яратиш бораидаги мавжуд тажрибаларни ўртага ташладилар. Матбуот ҳар қандай шароитда ҳам ҳолис минбар бўлиб қолиши, унинг асосий вазифаси -- омма хабардорлигини ошириш, жамоатчилик фикрини юзага келтириш экани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бунинг учун эса газета-журналилар саҳифаларида, радио эшиттиришлари, телекўрсатувларида жамоатчиликнинг турли хил қарашлари, қийсий таҳлиллари, танқидий мулоҳазалар мунтазам равишда бериб борилиши керак.

Кўпчилик мутахассислар конференция минбаридан туриб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга, хусусан, мамлакат ҳаётини демократлаштириш бораида қилинаётган амалий ишларга юксак баҳо бердилар. Ёш мустақил давлатда демократик институтлар тизими юзага келаятигани, оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш, журналистларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга эркин ижод қилиш учун ҳуқуқий замин яратиш юзасидан бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинаётганини айтиб ўтилди. Айни чоғда, айрим кузатувчиларнинг чиқишларидан яна шу нарса ҳам маълум бўлдики, улар ҳамон Ўзбекистонда келаятиган воқеа-ҳодисаларни бирёқлама талқин этмоқдалар, мамлакат ҳаётининг бугунги реал кўринишини аке эттирмайдиган айрим камчиликларни рўқиб қилиб, асосиз хулосалар чиқармоқдалар. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда демократик жараёнлар бошлангани факт, ammo бу жараён жуда суст кечмоқда ва уларни жаддаллаштириш зарур. Бундай қарашларга жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонднинг ҳамраиси Аҳмаджон Мелибоев Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчиси Стенли Эскудеронинг қуйидаги сўзларини келтирди: «Мен Ўзбекистонда демократия шаклланиши, оёқларини жараёнда, деган бўлардим. Бу мен учун гоёт умидбахш ҳодисадир... Эндигина тикланиш йўлига кирган мамлакатлардан бу соҳада катта тажриба тўплаган Франция, Германия, АҚШда бўлгани каби демократияга амал қилишни талаб этиш ноодиллик бўлур эди... Демократиянинг бир кунда қарор топтиришга уриниш барқарорликка путур етказиши ҳеч гап эмас...»

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI ИШ ҲАҚИНИНГ ЭНГ ОЗ МИҚДОРINI OSHIRISH TUGRISIDA

Болали оилаларга нафақаларни ва аҳолига тўланадиган энг оз иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловларни ошириш мақсадида:

1. 1996 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 600 сўм этиб белгилансин.
2. Белгиланган миқдорни, иш ҳақида, пенсияларга устава ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақи

миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу фермонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдorigа асосан 1996 йилнинг 1 декабридан бошлаб амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар 1996 йил 1 декабрдан жорий этиладиган иш ҳақининг энг оз миқдоридан келиб чиққан

ҳолда иш ҳақи ва пенсияларга устава ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда бошқа тўловлар ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишнинг таъминлансин.

4. Иш ҳақида, пенсияларга қўшимча ва устава ҳақларини ошириш, шунингдек, нафақалар ва бошқа тўловларни қўлайтириш билан боғлиқ хара-

жатлар тегишли равишда республика давлат бюджетини, ижтимоий сугурта фонди маблағлари ҳамда қорхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қоплансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Тошкентда 26 ноябрдан 4 декабргача Франция, Германия, Ўзбекистон ёш мусиқачиларининг учрашуви ўтказилади. Унда Лион шаҳри консерваторияси, Лейпциг оркестри вакиллари ва халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасининг «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестри қатнашади.

Дастлабки шундай учрашув ўтган йили Германиянинг Лейпциг шаҳрида ўтказилган эди. Франция ва Германиянинг Тошкентдаги элчихоналари ташаббуси билан унда «Сўғдиёна» оркестри ҳам иштирок этиб, кўпгина концертларда ўзбек

кил топган бу иттифоқ иккала мамлакат йинти ва қизлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни яхшилашга катта ҳисса қўшди. Утган йилдан бошлаб республикамиз вакиллари ҳам ана шу ҳамкорлик лойиҳасида иштирок этмоқда.

Пойтахтимиз меҳмонлари дўстлик жамияти аъзолари, Мухтор Ашрафий номидagi Тошкент давлат консерваторияси, Жаҳон тиллари университети, Успенский номидagi музика мактаби ўқитувчи ва талабалари билан учрашувлар ўтказилди.

Учрашув уч миқлат вакиллари оркестри ижросида катта концерт билан низоҳидага етади.

МАЪНАВИЯТ -- ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида маънавият ва маърифатни ривожлантириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди.

Унда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими фаолиятини яхшилаш, самардорлигини ошириш, бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштириш вазифаларни муҳокама этилди. Маънавият бий, маърифатли инсонни камол топтиришда матбуотнинг аҳамияти катта эканига эътибор қаратилди.

КУБОК МУЗЕЙГА ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтдаги Олимпия шон-шухрати музейида ногирон спортчилар орасида футбол бўйича бир неча бор жаҳон чемпиони бўлган «Матонат» командасининг тақдирлаш маросими ўтказилди.

«Матонат» жамоаси бу йилги бирга халқаро мусобақаларда голиб чиқди. Россия оқиқ чемпионатида эса ҳамкорларимиз саккизта команда орасида энг яхши натижани қўлга киритиб, катта кубок эгал бўлди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов спортчиларни бу улкан ғалаба билан табриқлади. «Матонат» командасининг қирринга кўра, катта кубок Олимпия шон-шухрати музейига топширилди.



Косовоидagi «Қушон» консерва заводига йилеца 1 миллион шартли бандон ортақ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Заводда тайёрланаётган турли хилдаси компотлар, томат, шербатлар, тузланган помидор ва бодринлар вилоят аҳолига мансур бўлган.

СУРАТДА: ишчилар (чапдан) Р. Тўхтасинова, Х. Бобоқанова ва ҳеч бошлаган А. Нисомовлар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ
олган сурат.

КЭТ КОЛЛВИТЦ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари давом этмоқда. Кунги кеча давлат санъат музейида ана шу таъбир доирасида яна бир кўргазма очилди. Унда XX аср немис тасвирий санъатида улкан ўрин тутган расом Кэт Коллвитц ижодига мансуб график асарлар ҳамда бронза ҳаякчалар намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндвалд немис тасвирий санъати намояндаларининг кўп йиллик ижодида XX аср бошидаги жафоканш халқ ҳаёти ўз ифодасини топганини таъкидлади. Биринчи жаҳон урушида ўлидан, иккинчи жаҳон урушида набиърасидан маҳрум бўлган бу санъаткор аёл асарларида уруш ва унинг фожалари манзун ҳамиша асосий ўринини эгаллаб келган.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VALYUTA BIRJASIDA

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1996 йил 26 ноябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банкларнинг иштироки эъти.

Сотув ҳажми 25,73 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 51,10 сўм даражасида қайта этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 27 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмига нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади: *

1 Австралия доллари	41,43	1 Миср фунти	15,06
1 Австрия шиллинги	4,78	1 Ирландия фунти	85,36
1 Англия фунт стерлинги	85,34	1 Исландия кронаси	0,77
1 Бельгия франки	16,30	10 Испания песети	4,00
1 Голландия гульдени	29,94	100 Италия лираси	3,38
10 Греция драхмаси	2,13	1 Канада доллари	38,06
1 Дания кронаси	8,75	1 Житой юани	6,16
1 БАА дирҳами	13,91	1 Кувайт динори	171,19
1 АҚШ доллари	51,10	100 Ливан фунти	3,29

1 Малайзия ринггити	20,23	1 ЭКЮ	64,68
1 Германия маркаси	33,59	10 Жапоний Корея воени	0,62
1 Норвегия кронаси	7,97	10 Япония иенаси	4,54
1 Польша злотийси	18,06	1000 Россия рубли	9,30
1 Португалия эскудоси	3,33	1 Украина гривнаси	27,31
1 Сингапур доллари	36,43	1000 Беларусь рубли	3,37
1000 Туркия лираси	0,51	1 Эстония кронаси	4,24
1 Финляндия маркаси	11,16	1 Латвия лити	93,25
1 Франция франки	9,92	1 Литва лити	12,78
1 Швеция кронаси	7,69	1 Козогистон тенгеси	0,73
1 Швейцария франки	39,73	1 Қирғизистон сомни	3,21

* Валюта қийматини белгилани чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажмур валюталарини ушбу қийматда сотиш экин сотиб олиш мажбуриятини олган.

Валюталик банклар эркин муомалаларга нақд валютани айир-чиқариш шохобчилиги орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва тақдирдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

Мухбирларимиз Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, Олий Мажлис депутати Жумабой УТАМОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

— Маълумки, пахтачилик билан зироатчилик деҳқончилик саноти мажмуининг асосий тармоғини ташкил этади. Вилоятда ҳар икки соҳа режасини қарийб бир вақтда у...

ҳайлашга унчалик эътибор бермасдилар. Бу аслида катта ҳаттолик эди. Биз энди ундан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилишимиз. Ҳосилдан бушанга ерлар чўқур шудорлагани, мелiorация тадбирлари ҳам ҳам...

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

Хоразм вилояти деҳқонлари давлатга пахта ва шולי топшириш режасини бажардилар.



ли табиий шароитта мос ва серҳосил навлар танлай олинганлигидадир, деб биламан. Тан олиш керакки, авваллари воҳда деҳқонлари ерни кузда...

инсофдан бўлмас керак. Кейинг, сиз билан бирга деҳқонларнинг ана шундай катта муаммолар бўлишига қарамай, муваффақиятга эришиш омили...

— Вилоят ўтган йил давлатга шולי топшириш режасини бажаролмаган эди. Бу йил... — Ҳа, унинг ўзига хос сабаблари бор. Бу йил ўтган йил...

ШОЛИНИ КЎЧАТЛАБ ЭКИШ САМАРАЛИ ЭКАН

Хўжалигимизда қатор йиллардан буён шולי — пахта алмашлаб экиш тажрибаси қўлланилиб, шу ҳисобга ҳар иккала экиндан мўл ҳосил олиб келинмоқда. Бу йил хўжалигимизда илк бор янги усул — бутдойдан бушан...

Матариф КУВКОВ, Богот туманидаги «Богот» жамоа хўжалиги раҳбари.

БИЗНИНГ ҲАМ ХИССАМИЗ БОР

Ернинг деҳқонга узоқ муддат ижарага берилганиги, меҳнатга ҳосилга яраша ҳақ тўланаётганиги ютуқлар омилли бўлаётди. Бу йил баҳор кеч кириб, устига-устак экинлар айнаи ҳосил тўплаётган...

Исмаи ХУДОЁЕВ, Абдулла СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бу ҳақда сессияда гапирилган эди

ОНА-ЮРТ ШАЪНИ МУҚАДДАС

Президентимиз Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқлари маданият, медицина, халқ таълими муассасалари, қорхоналар, ташкилотлар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари меҳнат жамоаларида кенг ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилмоқда. Чунки юртовшимиз ҳар бир вилоятдаги хозирги аҳволдан, ҳар бир фаолнинг фаолиятидан, ҳар бир раҳбар ҳодим...

Ҳабиб САЪДУЛЛА, Наманган вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиги. Ҳар бир одам ўзини дунёга келтирган, ўзи емай дунёга келтирган, ўзи емай дунёга келтирган...

Тоҳиржон МАРИЗАЕВА, Косовой тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты. — Юртин оёб, миллатни муқаммал кўриш юртовшимизнинг энг улуг мақсадларидан бири эканини бутун ҳаммага маълум. Чиндан ҳам, у киши қаерда бўлмасинлар, ким билан суҳбатлашмасинлар, ҳаётини масалалар, эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги, иқтисодий ислохотларнинг ҳаётига таътиб этилиши...

«Миннат тагида ўлганлар кўра, меҳнат тагида ўлганлар» деган нақд бор, ука. Биз вилоятимиз шайини угулаш учун ҳар қанча меҳнат қилишга тайёрми. Қолверса, орият деган гап ҳам бор дунёда. Қўшнилардан нимамиз кам? — Бу гапларни эшитиб, қалбим турурга тўлиди. Ориятли, номусли халқ марддир. Хатоларни гарданга олиш, уни тузатиш йўлида фидойилик кўрсатиш ҳам мардликдир.

Президентимизнинг нутқи оддий бир деҳқондан ҳам, Наманганнинг ишчию эбелгисидан, раҳбарно ҳодимидан, борингидан, ҳар бир фуқаросидан гайратбахш бир руҳ уюлди. Ишшооллох, бу орият юрт шайини угулаш йўлида янги изланишларга, янги кашфиётларга ва меҳнат жаҳадларига янги зафарларга чорайди.

Юрт шайини муқаддасроқ туғиу йўқ. Инсон маънавиятининг бош омилли ҳам мана шу туғиудир.

Бундан ташқари, туманимизда 4 та гишт заводи мавжуд. Уларда йилгига 30 миллион дона гишт гишт ишлаб чиқаришмоқда. Келгусанда бу заводларнинг қуввати янада оширилади. Шу тариқа XXI аср бўсағасида қурилаётган ўз-жойларнинг тарин-ла замонавий ва кўркам бўлишига эришимиз. Пахтачилик, галличлик, умуман, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида эса илгор технологияни қўлданга ҳолда ҳар қанчондан мўл, сифати ва арзон маҳсулот этиштиришни таъминлаймиз.


Президентимиз Ислам Каримов халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашнинг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида фуқаролар ва умуман, меҳнат аҳлининг фаолиятини ана шу нуқтага назардан чўқур таҳлил қилиб берди. Беш йил икбарий вилоятда қўлга киритилган ютуқлар эътироф этилди. Айнаи пайтда ушбу муваффақиятларга маъийе бўлиб, йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар ҳам жонқуялик билан айтиб ўтилди, уларни бартараф этиш юзасидан самимий маслаҳатлар берилди.

Маълумки, юртовшимиз шу йилнинг сентябрь ойида ҳам вилоятимизга таширф бўлиб, мажсул аҳлидан таъинишга, меҳнатқашларнинг вакиллари билан суҳбатлашган эди. У кишини ранжитган манаралар ҳам бўлган эди. Уш таширфдан кейин ҳам, бўлиб ўтган сессиядан кейин ҳам бир қаламқаш сифатида турли жаҳадларда меҳнат қилаётган одамлар билан суҳбатлашимизга тўғри келди. Бу суҳбатлардан олган энг ёрқин таассуротим шу бўлдики, ҳар бир наманганлик вилоят, шайинга айтилган таъкидий мулоҳазаларни ўз оғринидай қабул қилибди. Ушқирғонда эса бир деҳқон донишмандона бир гапни айтди:

«Халқ сўзи» мухбири Абдуҳошим МАДАТОВ суҳбатлашди.

«ДЭУ КОРПОРЕЙШИ» — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Тошқоқ туманидаги нотўқима матолар фабрикаси ўрнида «ДЭУ тексстилькомпани» йитирув қорхонасини бунёд этишга киришилди. Ҳозир бу ерда йитирув дастгоҳлари ўрнатилмоқда. Айнаи пайтда ишлаб чиқариш шехлари Жанубий Кореядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланмоқда. Улар воситасида ҳеддаги ҳаво ҳарорати ҳаммаша бир маромда сақлаб турилади.



Тез орада қорхонада Япония, Буюк Британия ва Францияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар ишга туширилди. Бунинг учун мажсул ишлар ниҳоятда еттич, ҳар йили 13 миң тонна пахта илти ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 80 фоизи Европа бозорларида, 20 фоизи эса мамлакатимиз ва ҳамдустлик давлатларида сотилиши. Шунингдек, қорхонада келажакда фақат ип йитирилмасдан, тайер маҳсулот чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Энг муҳими, 800 киши дониш иш билан таъминланади.

Нотўқима матолар фабрикасининг бун ҳолда дастгоҳлардан самарали фойдаланиш мақсадида туман ҳокимлиги аҳли зич ишлайдиган «Оқ олтин» жамоа хўжалиги худудига янги фабрика бунёд этишга киришилди. Бунинг учун ҳукумат имтиёзли кредит ажратди.

— Ҳозир 27 нафар мутахассис Жанубий Кореяда янги қансб сирларини ўрганимоқда. — дейди «ДЭУ тексстилькомпани» директори Ҳамид Луқонов. — Шунингдек, Фарғона тўқувчилик қорхонасида ҳам 150 нафар иш қасб маҳоратини оширмоқда. Қорхонани келуси йил март ойида ишга тушириш режалаштирилган. (У.А.)



Бешариқ туманидаги «Янги ҳаёт» хусусий деҳқон фермер хўжалигида тадбиркор Фуломжон Охунов бошчилик қилади. Хўжалик аъзолари қарамогийда 35 бош қорамол бор. Ҳозиргача 3,5 тонна ўрнига 4,5 тонна гўшт, 9 тоннадан зиёд серқаймоқ сўт сотилди. Фермер хўжалиги аъзолари йил охиригача бу қўрсаткиччи 13 тоннага етказиш учун ҳаракатланади.

«Ўзгўштсўтсаноти» ассоциацияси 1996 йил 5-9 декабрь кунлари Тошкентдаги «Океан» дўконидида гўшт ва сўт маҳсулотларининг кўрғазмали савдосини ташкил этади. Сотувчи ва истеъмолчи ташкилотлар, фирмаларни бу анжуманда иштирок этишга таклиф этамиз. Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 22 уй, «Океан» дўкони. Мурожаат учун телефонлар: 44-33-02, 44-33-19.

«Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси 1996 йил 4-6 декабрь кунлари макарон ва қанғолам маҳсулотларини кўтара сотиш ва 1997 йилга шартномалар тузиш буйича республика ЯРМАРКАСИНИ ЎТҚАЗАДИ. Ярмарка қуйидаги манзилда утказилади: Тошкент шаҳри, Баҳнамаиала кўчаси 16, (мулжал: Бешёғоч бозори, 6-нон заводи) маълумот учун телефонлар: 56-69-18; 56-69-08; 56-64-86.

«Ўзэлектрособсавдо» акционерлик жамияти шу йилнинг 27-28 ноябрь кунлари мажсу республика ярмаркаси ва «Очиқ эшиклар кўни»ни ўтказди. Ярмарка кунлари фирма электртехника жиҳозлари, асбоб ускуналар, турии хил халқ истеъмол моллари сотувини йўлга қўяди. Шунингдек, шу кунлари электр саноти маҳсулотлари: радиожихозлар, паст кучлиниши электр асбоб-ускуналари, ўчов асбоблари, телевизор аппаратураи, халқ истеъмолий молларини уағуриги сотиб оламиз. Мухтарам ишбилармонлар, тадбиркор ва бизнесменлар! Шу кунлари бизнинг табингизга ёққан барча турдаги маҳсулотларни 1997 йилда етказиб бериш ва харид қилиш юзасидан шартномалар тузишингиз мумкин. «Ўзэлектрособсавдо» А.Ж. ўзаро келишувга кўра, омиборхоналарни истаган муддатга ижарага беради. Барча хизматлар учун тўлов шарти турмуца. ЯРМАРКА - БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ! УНИ ҚўЛДАН БОЙ БЕРМАНИ! Манзил: Тошкент ш., Уста Ширин кўчаси, 125. Тел.: (3712) 48-53-48, 48-54-70. Факс: 48-25-23.

ХОЛИС ВА МУКАММАЛ ТАРИХИМИЗНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Роппа-роса икки ой муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази фаолият бошлади. Марказ директори, тарих фанлари доктори Ҳамдам Содиков билан янги тузилманинг мақсад ва вазифалари хусусида суҳбатлашдик.

— Ҳамдам ака, марказни ташкил этишга асос бўлган ошлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Аввало, марказ юртбошимизнинг махсус фармойиши асосида тузилганини таъкидламоқчиман. Бу фармойишдан мақсад мафқуравий маҳдудлик, тарихий сохталаштиришдан оқибат бўлган ва мутелик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавий юзларини, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзидан фидолаган умуминсоний қадриятларга ва Ватанга муҳаббат руҳи синдирилган муқтадлик даражасини янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва ўрганишни амалга оширишдир.

Янгиланишлар, маънавий-маърифий истеҳсолотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган ҳолатда давлат қўлаймида шундай тарихий, маънавий дунёни ва қадриятларни эътибор қўймоқда. Зотан, тарих маънавийликнинг узвий бўлиши, миллий мафқуравийликнинг асоси. Қолаверса, тарих — бу сиёсат. Мустақиллик эълон қилинишидан бир неча йил илгари аниқроқ, Фанлар академиясининг 1989 йил 28 ноябрдаги қарарига асосланган ҳолда республикамиз раҳбари тарихимизнинг мукамал ва ҳаққоний ёритилиши масаласига алоҳида тўқталган эди. «Бизга тарих тўғрисида... аниқ бўлса ҳам, ҳоли ва тўла ҳақиқат керак», деган эди ушундай юртбошимиз.

— Турмуш тарихини ҳоли яратиш масаласига қандай таъкид қилинган?

— Сир эмаски, авваллари шўро тузумида баланд маънавий эҳтиёт, Кремль Комфирка муносабати бўлган кимсалар эндиликда мустақиллик, истиқлол тарихи бўйича ўзларининг сохта концепцияларини кўтариб чиқмоқдалар. Улар истиқлолнинг истисноий ва руҳий-маънавий асослари шўролар даврида қўйилган, деб айтишга ҳақ бор. Буюк аждоғларимиз, улуг алому-ю уламолар ва маданий меросимиз ўша йилларда раҳбарият томонидан ўта қадриятли ва уларни асраш ҳамда ривожлантириш йўлида қандаш ишлар қилинган, деб даъво қилишдан ҳам тартибсизлар. Ҳўш, жамоатчилик фикрини қалтиришга қаратилган бўш ҳақиқатларнинг замини борми? Гап далоили рақамларга эмас, балки унинг ортда турган ноқеълик, тарихимизнинг қириқил қабарчалариди. Мен коммунистик мафқура ва марказ таъкиднинг назарда тутилган.

Ана шу таъкид остида умумватан манфаати йўлида ижод ва меҳнат қилган фан-маданият арбоблари қўнғилида шу умумватан соҳида сарғайиб сўлаётган ота мерос юрт тақдирига ҳамоҳуллик, истиқлол сонинчи, унга интилиш тушунчалари ҳам мавжуд эди, албатта. Во дариғ, шундай хур фикрли миллат гуллари бошига не савдоларни солмади ўша давр воқелиги?!

Дейлик, ўзбек миллий кадрларини тайёрлашда бош-қош бўлган Ҳабиб Абдуллаевнинг галамислар томонидан миллатчиликда айбонлиқ қандай фожиаларга олиб келмади, ахир. Ёки, 1968 йилда Иброҳим Муъинов миллатчилик кўзи остида «Амир Темурининг Урта Осиё тарихида тўртта ўрн» рисоладини яратгани тўғрисида олимга қарши марказдан бошланган ҳужури айтмайсизми?

Албатта, республика биринчи раҳбарлари ҳам мустақиллик марказининг тегиригига тош остида иш қилишга мажбур бўлганини аниқлаш қийин эмас. Агар марказ бўйиғини баҳаммасан, унга ҳамма вақт «лаббай» деб турмасан, қурбон бўлишинг аниқ. Бунинг учун 1937 йилда Ақмам Иброҳимов ва Файзулла Ҳўжаев фожиасини эслаш керак. Жўрлашди, Шароф Рашидовга ҳам оқибат бўлмаган. Зеро, шўро мафқураси ўз моҳиятига кўра мустақиллик, эъзобилик юзларига асосланган эди. Ўша вақтда соҳиб иттифоқ дош республикалар қоронда суверен давлат ҳисобланган бўлса-да, аслида ҳиттоки, уларнинг биринчи раҳбарлари ҳам ўз миллати, халқига батамом хизмат қилиш имкониятидан маҳрум этилган эдилар. Ақс ҳолда уни дарвор «жўлаш» ҳиттоки турли хил оғир жазоларга тортиш олдий ҳол эди. Шунинг учун ҳам республикалардаги катта-кичик барча раҳбарлар, ўз хоҳиш-иродасидан қатъий назар, ўша тизимга, ўша мафқурага хизмат қилишга мажбур эди. Шундай экан, биз уларнинг фаолиятини фақат салбий ёки ижобий маънода қўриштириш тарафдорлиги эмасми. Моҳиятининг объектив, тарихий нукта-назардан ёритиш фаннинг асосий вазифасидир.

Донишмандлар айтганидек, ҳар бир воқеанинг ҳақами — вақт. Бугунги кунда юртимиз тарихини, шу жумладан, биз юқоридеги тилга олган даврнинг ҳоли манзарасини яратиш борасида моҳиятчиликнинг астойдил ишланмоқда. Вақти келиб, пуч пучга, тўқ тўққа ажратилиши. Зеро, янгиланиётган жамоатимизда юксак маънавий фаилатларни камол топтириш, миллий мафқуранини шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, юртта, истиқлол юзларига муқаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилган ҳоли ва мукамал тарихимизни яратмоқ — марказнинг асосий мақсадларидан биридир.

— Марказ ишга малакали мутахассисларни жалб этиш масаласи қандай ҳал этиляпти?

— Янги тарихни ёзиш ва тарихшунослик муаммоларини ўрганиш учун республикамизнинг йирик тарихчи олимлари, сиёсатшунослар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳалар бўйича мутахассисларни тортаямиз. Шунингдек, марказда экспертлар гуруҳи тузилган. Бундан мақсад халқимиз ҳақида доир тарихий жараёнларни ёритишга бағишланган Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш оид адабиётларни таҳлил этиш ҳамда илмий экспертизадан ўтказишни йўлга қўйишдир. Қолаверса, марказ Ўзбекистон янги тарихини яратиш концепциясини ишлаб чиқмоқда. Ана шу кўлдоқ ишга баҳаришга биз кенг жамоатчиликка таяниш иш қурмаиз. Гапнинг индалосини айтганда бўлса, янги тарих бу айрим олимлар, гуруҳларнинг фикри бўлиб қолмаслиги керак. Чунки тарих умумхалқ мулкидир. Биз халқ ўртасида турли фикрлар, баҳоларни билишимиз ва уларни чуқур таҳлил этишмоғимиз ларкор.

Алоқат нукта-назардан бир ҳолатини эътиборда тутиш керак. Янги бунгача олимларимиз Ўзбекистон тарихига янги ёндашуви концепция ишлаб чиқишди. Олий ўқур юртлари учун дастурлар тайёрланди. Ўзбекистон мустақилликка эришган йилдан буён ўтган давр ичида юртимиз тарихини ҳолисона ёритиш соҳасида муайян ишлар қилинди. Энг аввало, республиканинг етакчи олимлари томонидан мақбала ушун янги дарсликлар ва қўлланмалар тайёрланди. Хўсуан, «Ўқитувчи» нашриёти томонидан «Ўзбекистон тарихи» дарсликдари, «Фан» нашриёти чикарган «Ўзбекистон халқлари тарихи» китоблари, «Чулпон» нашриёти тайёрлаган «Расмларда ватан тарихи» комикслари Ўзбекистон давлатчилиги тарихини кенг халқ оммасига етказишда қувонарли ҳолисидир. «Тафаккур», «Мулоқот», «Фан ва турмуш», «Сирли олам» журналларида эълон қилинган туркум илмий мақола ва очеркларда ҳам тарихга янгича, мустақил, истиқлол мафқураси нукта-назардан ёндашиш кўга ташланади. Баҳоуддин Нақиббанд, Амир Темура ва бошқа буюк аломулар ҳамда давлат арбоблари ҳақи ва фаолияти оид қизиқари асарлар яратилди.

Шу билан бирга эришилган ижобий самараларни қайд этган ҳолда, бу асарларга қамчиликлардан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Энг асосий нуксон аксарият олимлар муаллифларимизнинг Шўро тузуми асосларига ва коммунистик мафқура ағлозларидан тўла ҳоли бўла олмаганиликларидир. Халос ўша иккиланиш, атрафга аланглиш, ўз мустақил фикрини дидил баён этишда оғзини...

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тинтовчиси Фулом МИРЗО суҳбатлашди.

лик... Ўзбекистон тарихига ҳозиргача қинамаган ҳоли, одилона ва умумхожон микёсида ёндашиш сезилмаётди. Бугуннинг аччиқ ҳақиқати шунки, иқтисод ва сиёсатдаги ситқилларга нисбатан қиёс этганда, бир фанида мустақилликнинг беш йил мобайнида эришилган натижаларни қорқарили, деб бўлмайди. Ўзбекистон миллий тарихи соҳасидаги изланишлар замон талабларига мувофиқ жавоб бермайдди. Шунинг учун марказ Ўзбекистон янги тарихини яратиш жараёнига республикамизнинг тарихчи олимларини жалб этган. Яна шунинг тақдоран таъкидламоқчиманки, биз она тарихимизнинг ҳоли манзарасини яратиш ишга кенг жамоатчиликни тортишга интиламиз.

— Марказ уч жыллик «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобини яратишга қиринганимиз хабардорман. Ана шу соҳада Ўзбекистон тарихи даврлари, воқеалар қандай тартибда ёритилди?

— Биринчи китоб Чориз мустақилакчилиги давридаги Туркистон тарихига бағишланган. Бунда ўзбек хонлиқларининг Россия томонидан истило этилиши ва истиқлолчи сиёсатининг оқибатлари, ўлкаимизда миллий давлатчиликни тиклаш ва истиқлол учун курашнинг асосий босқичлари ҳақида ҳикоя қилинади. Иккинчи китоб республикамизнинг Шўро мустақилакчилиги давридаги тарихини қамраб ола, унинг китобга Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тарвақил этилиши чикили ҳамда бу жабҳадга ютуқлар, муаммолар, режалар атрафлича таҳлил қилинади.

Шу ўринда бир ҳолга эътиборни қаратмоқчиман. Кейинги вақтларда икки муқаддас сўз — Мустақиллик ва Истиқлол оммавий ахборот воситаларида кўп тақдорланмоқда. Турли анжуманлар минбарларидан ҳам бу сўзлар тез-тез ва тақдор-тақдор айтилмоқда. Ўйлаб қолди киши. Биз бу икки муқаддас қаломнинг салмоғини тушириб қўймаймизми?

Ўзбекистон тарихида янги, буткул ўзгача ва айтиш мумкинки, буюк саҳифа очган мустақилликнинг моҳиятини, унинг она тарихимиз унинг аҳамиятини барча ҳам қандаш ҳис қилаётимиз? Хўсуан, олимларимиз тақриқларидан у янгиинг тўлақонли фидосини тоғайтирми?

Фикримни ҳўласалоб айтмоқчиманки, шу каби саволларга ижобий жавоблар топилди, одамларда ўзликларини чуқур аниқлаш, мустақилликни теран тушуниш тўғрисидаги тарбиявий, ҳуқуқ, мустақиллик руҳини халқимиз дид-дидига синдириш — марказимиз ишининг тўв йўналишини ташкил этади.

Ёзувчи Шодмон Отабекиннинг қаламкаш ҳамкасблар, адиб ва санъаткорлар ҳақида матбуотда чоп этилаётган ҳазил-мутойибалари самимий кулгу ишқибозлари эътиборга тушди. Тома-тома кул бўлур деганларидек, ушбу асарлар «Тўқилмаган латибалар ҳўда Дўрмон хангомалари» номи билан китоб ҳолида нашрга тайёрланмоқда. Куйида ана шу китобга киритилган хангомалардан намуналар ўқийсиз.

БУЛБҮЛ ЭМИШ

Ақмам Пулат катта идорала бошлиқ экан. Бир кунни Эркин Воҳидов унинг ҳузурига иш билан борибди. Эшикдан кирса, бошлиқ столга ёнғибди, бир нималарни ёзётган экан. Эркин ака индамай кутиб тураверибди. Ниҳоят, Ақмам Пулат бошини кўтарган экан, машҳур шоирга кўзи тушибди.

— Э-э, бу қандоғ бўлди, ахир бир оғиз биз келдик десангиз бўларди-я, Эркинжон!

— Энди, илҳомга халақит бергим келмайдди. Ақмам ака.

— Оҳ, оҳ, оҳ! Булбул тилини булбул билди-ди, булбул!

ШОИР ЭКАН-КУ

«Совет Ўзбекистони» рўномаси (ҳозирги «Ўзбекистон овози»)да узоқ мудат муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган ашойиш инсон Ҳолбек Илгоров шоирларни унчалик ҳўшламас экан. Чунки табиатан эркинроқ,

— Марказ уч жыллик «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобини яратишга қиринганимиз хабардорман. Ана шу соҳада Ўзбекистон тарихи даврлари, воқеалар қандай тартибда ёритилди?

КЕТДИК БИЗНИКИГА

Шоир Жўманов Жабборов уйда эиёфат берибди. Қиттак-қиттак олишти, ўзи ҳаммадан олдин сархўш бўлиб қўйибди-ю, ёношлаган қўни кўзи ийилибди. Бир маҳал кайфи тарқаб, муңдоқ қараса, ҳамма ўзи билан ўзи овра, бировнинг гапига биров қўлоқ солмас эди. Энааси қотиб, ёндаги меҳмонни туртибди: — Бу ер ҳам бўлмайди, кетдик бизникига!

СИЗДАН НИМА КЕТДИ

Сурхондарёлик бир шоир на-срга ўтиб, каттагон роман ёзди. Аммо янги асарни бирон жойга мўвқул қилмади, босқич анча сарсон бўлибди. Ахирини роман нашриётда муҳоама қилинади. Муаллиф шоир сифатида умрида эшитмаган мақтовларни шу ерда эшитди. Чунки сўзга чиқувчиларнинг аксарияти ҳудди келишиб олгандек, гапини шундай бошларди: — Фалончи акамиз дурустгина шоир эди, аммо бу романи... Шу тарзда романнинг пўстаги қоқилаверди. Фақат Низом Комилтов теша тегмаган гап қилди: — Узингизни ҳам, бизни ҳам қийнамай, романи биратўла яхшироқ ёзиб қўя қолсангиз бўлмасмиди? Сиздан нима кетди?

ҲАҚИНИ ҚҮЙМАЙДИ

Ҳама театри Оли-тисти Сайфи Олимов шифирок эади-гон спектаклда уч ул-фат ўтириб ичкилик ичадиган бир саҳна бўларкан. Артистлар ўзаро маслаҳатлашиб, бир сўм — бир сўмдан ўтқилишибди ва ўртага ротакам ароқ қўйишга келишибди. Воқеалар ривожига кўра, хизматкор хонтахтага ароқни қўйиб кет-гач, оғайнлар баъзи жамшидини бошлаши лозим экан. У ўртага ароқни қўйибди-ю, аммо ўзи чиқиб кетмай, қоқилган қозийда қўйибди тураверибди. Даф бўл лез-имо-иншора қўйишга ҳам лез-имини бузмасми. Ахирини Сайфи ака чидомай, пўсада йўқ сўзини айтворибди: — Хўш, нимани кутиб турисанг?

ШОДМОН ОТАБЕК

— Мен ҳам бир сўм қўшганман ҳақимни беришлар! — Шодмон ОТАБЕК.

1996 йил -- Амир Темура йили

ҚАБРТОШ АСЛ ҲОЛИЧА ТИКЛАНДИ

Соҳибқирон Амир Темура қабри устига қўйилган нефрит тошининг ким томонидан қачон келтирилгани ва қайси йилда ўрнатилгани маълум. Лекин Самарқандда Россия қўшвилари истило этган, унинг ён бурғайиши ёзуви бир бўлаг ийқолади. Бу ҳолиса ўша пайлар ҳам анча гап-сўзга сабаб бўлади. Аммо бир нарс — қабр тоши 1879 йилда рус геолог-профессори И. Мушкетов томонидан тақдиқ қилинган бу воқеа юз бергани аниқ эди. Кейинчалик академик Бартольд ва профессор Массон буни инкор қилишга уриниб, бир неча мақола ҳам чоп этишган. Уларнинг бири қабр тошини 1740 йилда Эрон ҳўқимлари Ноҳиршоҳ олиб кетаётган пайтда синдирилган, деса, иккинчиси «Ўри Амир мақбарасидан шайхлар нефрит тошининг дориворик хўсуангизини яхши бил-лишган. Шунинг учун ундан бўлакчалар синдириб, бозорларда катта нарса сотишган», деб ёзди.

ҚАБРТОШ АСЛ ҲОЛИЧА ТИКЛАНДИ

Бирок, мустақилликка эришганимиздан сўнг, Ўзбекистон ФА Самарқанд бўлимининг катта илмий хо-лими Комилтон Каттаев қабртошнинг синдирилган бўлагини Россия музейлари учун рус олим И. Мушкетов томонидан олганлигини исботлаб берди. Лекин уларнинг истаги амалга ошмай, қабртошнинг синди-рилган бўлагини қандайлир тасофид билан Самарқандда қолиб кетган экан. 1993 йилда Самарқанд музей-қўриқонаси фондарисидан бириш К. Каттаев уни тоққонди. Шундан сўнг вилоят ва шаҳар ҳўқимчилари бўлакча яна ўз ўрнига ўрнатиш масаласини ижобий ҳал этишлар.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳозир нефрит қабртошнинг 1879 йилда синди-рилган бўлагини қандайлир ўрнатишга, асл ҳолига қайтарилди.



Жаҳонгир Амир Темура империясининг қўна пойтахти Самарқанд буюв беқий ўзғаришлар оғишида. Бу ерда соҳибқирон тавалудининг 660 йиллиги арафасида улкан ишлар амалга оширилди. Шаҳрсаба, Хава, Қўзон, Бухоро, Тошкентдан таширф буюрган қўн кул устидан самарқандлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда қадимий обидаларни таъмирлади.

СУРАТГА: ёноқ ўймакорлиги устаслари Самат Маърутов ва Латиф Рашидов.

Т. НОРҚҮЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Т. УТБОСАРОВ, «Нурота шаҳри»

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдин олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бағтраф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунлиқ, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, воёга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қилишлар.

Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш қандай жазоланади?

М. ПАРДАЕВА, Тўртқўш тумани.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 241-моддасига мувофиқ, махсус диний таълимотни бўғмай туриб ва диний бошқарманнинг, марказнинг руҳсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, шунингдек, ҳўсуан тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш —энг кам иш ҳўқининг бир бароваридан уч бароваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланганидан кейин бир йил давомида тақдор содир этилган бўлса, —энг кам иш ҳўқининг уч бароваридан беш бароваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Набонго СОБИР, «Халқ сўзи»нинг ўз муҳбири.

корейликлар Абдуғаффор ака тим-солида ўзбекча бўрсулоқ ноилдан баҳраманд бўлишди.

Набонго СОБИР, «Халқ сўзи»нинг ўз муҳбири.

Тошкентдаги ошбордан кўп рангли нашрлар учун юқори сифатли

КОГОЗ

узлуксиз сотилади.

Ҳажми - 60, 62, 70, 72, 84 қалинлиги - 55 дан 235 г/кв. м. гача.

Шунингдек,

- нўсха олиш учун А4, 80 г/кв.м. ҳажмли қоғозлар, боғлами 2,5 кг. (500 варақ) - 550 сўм;
- юз фўиз оптоқ ёзув қоғози, ҳажми А4, боғлами 1 кг.

Тел./факс: (3712) 44-76-04, 44-76-05, пейдж (067) 2729, 9108.

Ўзбекистон Хотин-қўзлар қўмитаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари, республика Хотин-қўзлар қўмитаси раиси Д. Фуломқова акаси

Хўсуан МУҲАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети маъмурияти, касба ўқимаси қўмитаси ва механика-математика факультети жамоаси профессор Мирқалиб Ойитова акаси

Савра ОРДИНАВНАнинг вафот этганини муносабати билан чўқур тўнғиз изҳор этади.

Тошкент вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирламиси жамоаси бирлашма бошлиғи, вилоят ҳўқимининг ўринбосари Ҳамидулла Аҳмедов акаси

Асатўла АХМЕДОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур тўнғиз билдириди.

Ўзбекистон ва жаҳон

СЕУЛДА ТАНДИР ҚУРГАН МАРГИЛОНЛИК НОВВОЙ

У киши яқинда Корейга бориб келди. Бу таширфининг ўзига хос тарихи ва таширфи бор. Ўзбекистоннинг Жабуийи Корей Республикасидаги муваққат ишлари вақили лавозимида фароналик Виталий Васильев Фен фаолият кўрсатаяпти. Марғилонда туғилб камол топган лезвирга ошун дундириб дамлайдиган Йитигали (фарғоналиклар Виталий Васильевнинг шундай деб аташди) ака Корейда Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги шарафига эиёфат беришни дилига туғиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам фарғоналик бир гуруҳ санъаткорлар, тўнғичорлар Корейга таширф буюришди. Улар сафини Абдуғаффор ака ҳам бор эди. У эи билан бирга олис Корейга қўйинчиликларга қарамай нон танцир ҳам олиб бориб. Милуумки, Корейнинг пойтахти Сеул шаҳрида ҳар қирчи ер ҳисоб. Шунинг учун ҳам таширфини Ўзе-

Абдуғаффор акани марғилонлик ҳар икки новвойдан бири ўзига устоз деб билади. У киши бутун республикамизга машҳур бўлган нонларнинг ундан ортиқ турини яратишга мушарраф бўлган устозлардан биридир. Шу билан бирга Халқматовлар оиласини марғилонликлар нуқратимининг қадимий касбларидан бири -- қандолатчиликни эъзозлаб, ардоқлаб келаётган оила сифатида ҳам яхши билишади. Марғилоннинг оғизда эриб кетадиган ҳолва қанди, дандон қандларига янгича мазза ва шакл берган ҳам Абдуғаффор ака бўлади.

кистон элчиҳонаси холимлари истиқомат қилаётган 4 қаватли уйнинг томига қуриш ҳақида келишиб олишди.

булишгач, ҳаммалари ўзбекча бўрсулоқ нонга буюртма бериб орқаларига қайтиб кетишибди.



корейликлар Абдуғаффор ака тим-солида ўзбекча бўрсулоқ нондан баҳраманд бўлишди.

Набонго СОБИР, «Халқ сўзи»нинг ўз муҳбири.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ ҳўжааси 36-07-94; Иттиҳодият 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туғиш муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25; Вахшёр 33-10-60.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир — О. Раҳимов. Набатчи — Ш. Каримов. Мусаҳҳис — Ф. Бободустов.